

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДОНИЁРОВ ХУШВАҚТ ТОЖИБОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЧИЛИК
ТАРАҚҚИЁТИДА ДУНЁВИЙЛИК ВА ДИНИЙЛИК
МУТАНОСИБЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

УДК: 211.5/7:261.6=322(575.1)

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам

Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences

Дониёров Хушвақт Тожибоевич

Ўзбекистоннинг миллий демократик давлатчилиқ тараққиётида дунёвийлик ва динийлик мутаносиблигининг аҳамияти..... 3

Данияров Хушвақт Таджибаевич

Значение соотношения светскости и религиозности в развитии национально-демократической государственности в Узбекистане..... 22

Daniyarov Khooshvakt Tadjibayevich

The value of the ratio of secularity and religiosity in the development of national democratic statehood of Uzbekistan 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

.

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДОНИЁРОВ ХУШВАҚТ ТОЖИБОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЧИЛИК
ТАРАҚҚИЁТИДА ДУНЁВИЙЛИК ВА ДИНИЙЛИК
МУТАНОСИБЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fal121 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Саифназаров Исмоил Саифназарович,**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Давронов Зиёдулла Давронович,**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Кушаев Умиджон Рахимович,
фалсафа фанлари доктори, доцент.

Етақчи ташкилот: **Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-кават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кунни тарқатилди. (2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.А.Шермухамедова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси вазифасини
бажарувчи, фалсафа фанлари
доктори, профессор

У.А.Маҳкамов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
доктори (PhD)

Г.Т.Махмудова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда XXI асрга келиб инсон маънавиятининг таркибий қисми бўлган дин ва диний эътиқод инсониятнинг шахсий ҳуқуқи ҳамда эркинликлари доирасидан ташқарига чиқиб, нафақат ижтимоий, балки глобал сиёсий мавқега даъвогарлик қилмоқда. Яқин Шарқда жойлашган Ливия, Сурия, Ироқда рўй берган “араб баҳори” воқеалари, Афғонистон, Миср ва Жазоир каби давлатларда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар шундан далолатдир. Шунингдек, давлат ва дин муносабатларини ҳал этишнинг “Немис модели”, “Америка модели”, “Француз модел”лари ҳам мавжуд. Шу нуқтаи назардан дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг янги концепцияларини ишлаб чиқиш, давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг илмий парадигмаларини яратиш долзарб аҳамиятга эга.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари томонидан давлат ва дин муносабатлари, дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, секуляризм ҳамда унинг диалектик моҳиятини аниқлаш масаласида чуқур ва кенг илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, АКШда Бирлашган Трансатлантик тадқиқот ва сиёсат маркази томонидан Марказий Осиё ва Кавказ институти ҳамда ипак йўлини ўрганиш дастури асосида “Ўзбекистонда дин ва секуляр давлат” номли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу илмий тадқиқот ишларида дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги мувозанат ҳамда уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, давлат ва дин муносабатларига оид асосли илмий хулосалар берилмоқда.

Ўзбекистонда дунёвийлик ва динийлик ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг маданий ва ахлоқий хусусиятларини ўрганиш, унинг асосий омилларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш ҳамда миллий манфаатларимизга мос равишда янги таклифлар ишлаб чиқишда “маърифат ва диний бағрикенглик” тамойилига асосланиш устувор вазифа сифатида белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан Республикамизда Фридрих Эберт жамғармаси ва Имом ал-Бухорий номидаги халқаро илмий тадқиқот маркази томонидан Ўзбекистонда дин ва давлат муносабати, диний ташкилотлар фаолиятини дунёвийлик тамойили асосида такомиллаштиришга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги № 618-І-сон “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрир) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 19 сентябрдаги ПФ-5542-сон “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан

озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари ва мавзуга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланиши I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлат ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари”нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диний ва дунёвий билимларнинг мутаносиблигини таъминлашнинг аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов ва Президент Ш.Мирзиёевнинг маърузалари, асарларида очиб берилган. Хусусан, И.Каримов “Аллоҳ қалбимизда ва юрагимизда”¹ деб диний эътиқоднинг аҳамиятига эътибор қаратган бўлса, Ш.Мирзиёев “Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”² деб алоҳида эътироф этганлар. Бу ғоялар илмий тадқиқот ишининг назарий методологик асоси ҳисобланади.

Қадимги манба “Авесто”³да динга маънавий маданият ва муносабатларнинг меъёри деб баҳо берилган. Ислом динининг муқаддас китоби “Қуръон”да илм эгаллашнинг зарурлиги, “Бешиқдан қабргача илм изла”⁴ ҳадиси илмнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини англатади. Бу ғоялар бугунги кунда дунёвийлик ва динийликнинг мутаносиблиги илмга асосланишидан далолатдир. Ҳадисларда “Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир”, “Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ойлик тutilган нафл рўзадан афзалдир”⁵, -деган фикрлар илгари сурилган, бу эса диний ва дунёвий билимлар инсоннинг маънавий камолотга эришиш омили эканлигининг исботидир. Аз-Замахшарий фикрича, “Илм икки хил бўлиб, мартабани кўтарувчи илм ва фойда келтирувчи илмдир, мартабани кўтарувчи илм – бу диндаги фикҳдир, фойда келтирувчи илм эса тиб илмидир”⁶. Бу нуқтаи назарда ҳам диний ва дунёвий билимлар бирдек улуғланади.

Ҳозирги даврда ўзбек олимлари ижтимоий жараёнларга диний, иқтисодий, сиёсий омилларнинг таъсирини таҳлил қилмоқдалар. Хусусан, С.Атамурадовнинг “Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти”⁷ монографиясида дунёвийлик ва динийликнинг мутаносиблигини таъминлашда миллий ўзликни асраш омили қанчалик муҳим эканлиги очиб берилган.

¹ И.А.Каримов. “Аллоҳ қалбимизда ва юрагимизда” "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавоблари ЎЗА. "Ўзбекистон" №11 (3498) 12/03/1999.

² Ш.М.Мирзиёев. “Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш – демократик жамият асосидир”. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқ. Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь.

³ <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/284>

⁴ Абу Довуд ва Термизий ривояти. Имом ал-Бухорий "Ал-жоме' ас-саҳих" китоби.

⁵ Имом ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомий ас-саҳих, 4-жилд. – Б.108.

⁶ Ўзбекистон фалсафа тарихи. Т.: “Ношир” 2013. – Б. 223.

⁷ С.Атамурадов. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти. Тошкент. 2018. – Б.78.

И.Саифназаров ва А.Обидов билан ҳаммуаллифликдаги “Динлараро ҳамжихатлик – ижтимоий барқарорлик омили”¹ монографиясида диний омилнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинган. Дунёвийликнинг аҳамияти Т.Каримнинг “Ижтимоий билишда дунёвий мезонлар” илмий мақоласида, “Дунёвийлик фалсафаси”² мақолалар тўпламида очиб берилган.

Ш.Ёвқочев³ З.Миноваров, А.Қодировнинг илмий тадқиқот ишларида сиёсат ва дин муносабатлари, диннинг сиёсийлашуви жараёнларининг давлатлараро муносабатларга таъсири очиб берилган. А. Бойназарова ислом таълимотларида дунёвий ва диний илмларнинг муносабатлари,⁴ Ж.Боялиев глобаллашув шароитида диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро таъсири,⁵ М.Абдураззакова Ҳиндистон ва Туркия мисолида секуляризмнинг давлат ва жамият тараққиётида тутган ўрни⁶ бўйича номзодлик ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилганлар.

Шунингдек, хориж олимларидан В.Шнайдер – Детерс (Германия) “Дунёвий-маърифий давлат мусулмон аҳолисининг исломнинг моҳияти ҳақидаги маърифатини ошириш йўли билан мусулмонларнинг исломчилар бераётган шаклан диний, аммо мазмунан дунёвий ваъдаларга берилишини камайтира олади, шу йўналишдаги таълим дунёвий-маърифий давлатнинг исломизм «ҳамласи»дан ҳимоя қилишнинг энг таъсирчан шаклидир”⁷, деган фикрни илгари сурган. С.Эршоҳин (Туркия) эса ислохотчи-жадидчиларнинг жамиятда дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги мутаносибликни шакллантиришга нисбатан ёндашувини асослаб берган.⁸ Шунингдек, россиялик олим Леонид Сюкияйнен мусулмон ҳуқуқий назариясида асрлар оша шаклланган тарихий анъана мусулмон ҳуқуқининг тор маънодаги ижтимоий-меъёрий жиҳатларини тартибга солиш тизимининг тобора яққолроқ ажралишинигина эмас, балки кейингисининг ичидан соф ҳуқуқий, мантиқий асосларнинг узлуксиз ажралиб чиққан⁹лигини алоҳида таъкидлайди. И.В.Понкин, С.Д.Лебедев, К. Багаева, Г.Кремер, Т.Нагель, В.Бадер (Германия), Ҳ.Явуз, Ф.Китчер, В.Фурньё (АҚШ), А.Абдулла (Миср) каби олимлар ҳам мамлакатда дунёвийлик ва динийлик мутаносиблигининг бузилиши ижтимоий

¹ И.С.Саифназаров, А.Обидов. “Динлараро ҳамжихатлик – ижтимоий барқарорлик омили”. Онография. Тошкент. 2019. – Б.96.

² Карим Т. Дунёвийлик фалсафаси // Дунёвийлик фалсафаси: Мақолалар тўплами. – Тошкент: ТДИУ, 2007. – Б. 25.

³ Ёвқачев Ш. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте. (Афтореферат) к.п.н.-Т., 2000.

⁴ Бойназарова А. Ислом фалсафасида диний ва дунёвий илмлар уйғунлиги масаласи. – Тошкент, Тошкент ислом ислом университети.(Афтореферат) ф.ф.н, 2009.

⁵ Боялиев Ж. Глобаллашув шароитида диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро таъсири масаласи. Монография. Монография. Т.: ТДИУ, 2013.

⁶ Абдураззакова М. Развитие секуляризма в странах Востока (например Индии и Турции).- Т.: ЖИДУ. (Афтореферат) док.пол.наук, 2010.

⁷ Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси Фридрих Эберт жамғармаси. Тошкент. 2003. . – Б. 126.

⁸ Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси Фридрих Эберт жамғармаси. Тошкент. 2003. . – Б. 94.

⁹ Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси Фридрих Эберт жамғармаси. Тошкент. 2003. . – Б. 86.

беқарорликни келтириб чиқариши, динни ниқоб қилиб олган радикал оқимларнинг пайдо бўлишига замин яратиши мумкинлигини асослаган.

Шунингдек, бугунги кунда Канаданинг Бритиш Колумбия университетида “Ўзбекистонда Ислом: секуляр давлат ва дин ўртасидаги муносабат” номли илмий тадқиқот иши олиб борилмоқда.

Ўзбекистон ва хорижда ахборотлашган жамият ҳамда глобал жараёнларнинг моҳиятини очиб беришга йўналган адабиётларда жамият тараққиётида диннинг аҳамияти, дунёвий билимларнинг барқарорликни сақлаш омили сифатидаги ўрни очиб берилган, аммо Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари нуқтаи назаридан дунёвийлик ва динийлик мутаносиблигининг моҳиятига етарли эътибор қаратилмаган.

Шу боис, ушбу диссертацияда миллий демократик давлатчилик тараққиётида дунёвийлик ва динийлик мутаносиблигининг заруриятини асослашга ҳаракат қилинган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси илмий тадқиқот ишлари режасининг “Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг фалсафий, тарихий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий ва бадиий қадриятларини таҳлил қилиш ва фуқаролик жамияти шакллантиришнинг маънавий-ахлоқий асослари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дунёвийлик ва динийликнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлашнинг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш воситаси сифатидаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг 14-моддасидаги “ибодат либоси” тушунчасининг мазмунини конкретлаштириш заруратини илмий асослаш;

давлат ва дин муносабатларида мувозанатни сақлаш, уни мустаҳкамлашга оид парадигма трансформациясини очиб бериш;

отинойилар фаолиятини тартибга солиш, уларнинг расмий фаолият олиб бориш, махсус ўқув дастури асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш заруриятини илмий асослаш;

“жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жамиятда узлуксиз таълим-тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш омилларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти - дунё ва Ўзбекистондаги ижтимоий сиёсий маънавий жараёнлар.

Тадқиқотнинг предмети - Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган динга оид давлат сиёсати ва ижтимоий жараёнлар.

Тадқиқотнинг усуллари: умумий ўзаро алоқадорлик, тарихийлик, тизимлилик тамойиллари, гипотетик дедуктив, мавҳумликдан аниқликка юксалиш, анкета сўровнома усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг 14-моддасидаги “ибодат либоси” тушунчасини мазмун жиҳатдан конкретлаштириш зарурати илмий асосланган;

давлат ва дин муносабатларида мувозанатни сақлаш, уни мустаҳкамлашга оид парадигма трансформацияси очиб берилган;

отинойилар фаолиятини тартибга солиш, уларнинг расмий фаолият олиб бориш, махсус ўқув дастури асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш заруряти илмий асосланган;

“жаҳолатга қарши маърифат» ғояси асосида жамиятда узлуксиз таълим-тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш омиллари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги мувозанатни таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш заруряти очиб берилган;

турли давлатларнинг давлат, жамият ва дин муносабатларига оид концепциялари қиёсий ўрганилган ҳамда Ўзбекистоннинг миллий демократик давлатчилигига хос методологик кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг динга оид давлат сиёсати чуқур таҳлил қилинган, социологик сўровномалар асосида аҳолининг бу сиёсатга нисбатан муносабати ҳамда динийлик ва дунёвийлик мутаносиблигига оид билимларининг даражаси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналлар ва конференцияларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, глобаллашув шароитида дунёвийлик ва динийлик мутаносиблигини таъминлашга бағишланган барча фан тармоқларида ўтказилаётган тадқиқот ишларини Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига асосланган ҳолда назарий ва услубий жиҳатдан бойитиш учун муайян манба бўлиб хизмат қилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундаги назарий хулосалар ва конкрет амалий таклиф ҳамда тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Республика Маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги бўлимлари, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари,

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаолиятида, турли семинар-тренинг ва маънавий-маърифий тадбирларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига асосланган дунёвийлик ва динийлик мутаносиблигини таъминлашга бағишланган илмий тадқиқот ишининг натижалари асосида:

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг 14-моддасидаги “ибодат либоси” тушунчасини мазмун жиҳатдан конкретлаштиришга оид ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий кенгашининг 2019 йил иш режасида белгиланган “Диний экстремизм ва терроризм барқарорлик ва ижтимоий хавфсизликка таҳдид”, “Терроризм ва диний экстремизм – давр муаммоси”, “Одам савдоси, экстремизм ва терроризм: инсон ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид” каби мавзуларда депутатлар томонидан ўтказилган тарғибот ишларида кенг фойдаланилган (Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгашининг 2020 йил 20 майдаги 01-03/111-сон маълумотномаси). Натижа аҳоли онгига қонун ва қонуности ҳужжатларидаги мавжуд терминларнинг моҳиятини чуқур сингдириш, ёшларда миллий-ахлоқий кадриятларимизга нисбатан ҳурмат, уларга амал қилиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилган;

давлат ва дин муносабатларида мувозанатни сақлаш, уни мустаҳкамлашга оид парадигмалар трансформациясига доир илмий хулосаларидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий Кенгашининг қарорига (2018 йил 30 августдаги 1-сонли йиғилиш баённомасига) биноан 2019 йил нашрдан чиқарилган “Диншунослик” фанидан ўқув қўлланма (ISBN 978-9943-6002-2-5)нинг 2-бобини “Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари”, “Виждон эркинлигининг ҳуқуқий асослари” мавзулари, 7-бобнинг “Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва терроризм хавфини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари” мавзуси ва 9-бобнинг “Ижтимоий тармоқларнинг ёшларга таъсири” ҳамда “Глобал тармоқдаги ғоявий хуружларнинг олдини олиш” каби мавзуларини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 июндаги 89-03-1933-сон маълумотномаси). Натижа Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаларининг мамлакатимизда дин ва давлат муносабатларида мувозанатни таъминлашга доир амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг моҳиятини чуқур англаш, уларнинг ёт ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетини кучайтиришга хизмат қилган;

отинойилар фаолиятини тартибга солиш, уларнинг расмий фаолият олиб бориш ҳамда махсус ўқув дастури асосида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш бўйича илмий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита отинойилар фаолиятини тартибга солишда, шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний таълим муассасалари томонидан “Бағрикенглик ва мутаассиблик”, “Толератность”, “Динларни таснифлаш методологияси”, “Ислом маърифати”

номли монографиялар ҳамда “Ўзбекистонда диний бағрикенглик”, “Ислом ва ҳозирги замон” сингари ўқув қўлланмаларини тайёрлашда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 22 майдаги 2928-сон маълумотномаси). Натижа Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг хотин-қизларнинг диний билимга бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг қонуний механизмларини такомиллаштиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

“жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жамиятда узлуксиз таълим-тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишга доир ҳулосаларидан Республика Маънавият ва маърифат маркази “Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар Дастури”нинг I боб, 2-банди "Оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, тарғибот-ташвиқот ишларини шаклан ва мазмунан бойитиш ҳамда бу жараёнга инновацион усулларни жорий этиш мақсадида жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикасини ишлаб чиқиш"да, v боб, 20-банди "Жамиятда диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий профилактика механизмларини такомиллаштириш" мавзусида илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 25 майдаги 02/07-493-сон маълумотномаси). Натижа ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, тўққизта параграф, ҳулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари, олинган натижаларнинг

илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг «**Дунёвийлик ва динийлик мутаносиблигини таъминлашнинг методологик жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида “дунёвийлик” ва “динийлик” мутаносиблигининг миллий давлатчилик барқарорлигини таъминлаш омили сифатидаги аҳамияти очиб берилган.

Муаллиф “дунёвийлик” ва “динийлик” мутаносиблигининг моҳиятини Ғарб ва Шарқ мутафаккирлари ғояларининг қиёсий таҳлили асосида очиб берган. Хусусан, Платон ғоялар дунёсининг идеал мазмунига эътибор қаратган.¹ Ж.Локк, Ж.Жак Руссо, А.Гольбах ва И.Кант диннинг моҳиятини тушунтиришга дунёвий билим нуқтаи назардан ёндашган ва И.Кант улар мутаносиблигининг таъминланиши Худони билишга эришиш йўли эканлигини асослаган. Баҳовуддин Нақшбандий Аллоҳни билиш учун ўзликни билиш зарурлигини таъкидлаган, бу эса, дунёвий ва диний билимлар мутаносиблигини таъминлаш ўзликни англаш йўли эканлигидан далолат беради. Муаллиф О.Конт, М.Вебер ва Э.Дюркгеймнинг дин моҳиятига социологик ёндашувини, У.Жеймс, З.Фрейднинг диний ва дунёвий билимлар динамикаси индивидуал руҳий кечинмалар махсули эканлигининг психологик жиҳатини очиб берган. Тадқиқотчи Марказий Осиёнинг маърифатпарвар олимлари Абдурауф Фитрат, Ибрат, М.Беҳбудийнинг ижодини ўрганган ва уларнинг жамиятни ислоҳ қилишда сунна имкониятларининг чексизлиги, фақат уни яхшилаб ўрганиш ва шу асосда ислом кўрсатмаларидан четга чиқмаган ҳолда кўпроқ тараққий этган жамиятлардан ижобий янгиликларни қабул қилиш орқали ривожланиш мумкин, деган ғоясига кўшилади.

Диссертацияда динийлик ва дунёвийлик, секуляризмнинг сиёсий, ҳуқуқий, психологик, социологик, диний, ахлоқий ва тарихий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Диссертант фикрича, дунёвийлик янгиланаётган Ўзбекистонда демократик тараққиётнинг методологик асоси бўлиб, у буни ривожланган давлатлардаги давлат ва дин муносабатлари моделларининг таҳлили орқали очиб берган. Хусусан, у “Немис модели”, “Америка модели”, “Француз модел”ларида давлат ва дин муносабатларини амалга ошириш механизмларини оптималлаштирган ҳолда дунёвий тараққиётнинг классик (Франция, Россия, Ўзбекистон), индифференциал (АҚШ, Япония), преференциал (Италия, Исроил, Германия, Польша, Испания) турларини таснифлаган. Диссертант фикрича, дунёвий давлатнинг афзалликлари кўпроқ унинг классик турида намоён бўлади. Чунки аввало кўпмиллатли ва кўпконфессияли мамлакатларда миллий, диний ва бошқа мансубликдан келиб чиққан ҳолда алоҳида гуруҳ ёки гуруҳ вакилларига имтиёз берилмайди. Миллати ва динидан қатъий назар барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бирдек таъминланади, акс ҳолда манфаатлар меъёри бузилади ва ижтимоий беқарорликнинг келиб чиқишига замин яратилади. Бундан ташқари дунёвийлик давлатга аҳолининг турли гуруҳлари манфаатларини объектив баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш имкониятини

¹ Карим Т. Дунёвийлик фалсафаси // Дунёвийлик фалсафаси: Мақолалар тўплами. – Тошкент: ТДИУ, 2007. – Б.23.

беради, чунки унинг нейтрал позицияси давлат бошқарувини манфаатдор гуруҳларнинг босимидан ҳимоялайди. Шу билан бирга, диссертант дунёвий давлатнинг идеал модели яратилмаганлигини таъкидлайди.

Давлатнинг дунёвий моделида маданий ҳамкорлик давлат тараққиётидаги тарихий, миллий ва бошқа маданий хусусиятларни дунёвийлик тамойиллари билан бирлаштиради, уларнинг синтезлашуви давлат муносабатларини янги сифат даражасига кўтаради. Агар маданий ҳамкорлик бўлмаса, унда синтез амалга ошмайди. Шунингдек, барча мамлакатлар ҳам ўзларининг ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дунёвий тараққиёт моделини қабул қила олмайдилар. Масалан, Ватикан ва Саудия Арабистони қироллигини дунёвий тараққиёт моделидаги давлат сифатида тасаввур этиш қийин. Уларнинг асрлар давомида кўпгина маданий омиллар таъсирида шаклланган теократик режими дунёвий давлатнинг элементларига ўхшаш белгиларга эга эмас. Таҳлиллар асосида муаллиф, янгиланаётган Ўзбекистонда дунёвий демократик тараққиёт йўли классик моделининг иқтисодий, сиёсий, географик ва бошқа шартларидан фойдаланганлигини асослайди.

Диссертацияда кўпмиллатли давлатларнинг ўсиш тенденцияси бугунги кунда илм-фан олдига турли манфаатлар мутаносиблигини таъминлашга қаратилган янги модел ва механизмларни яратиш вазифасини қўйганлиги очиқ берилган. Ўзбекистоннинг дунёвий демократик тараққиёт йўли, бу нафақат миллатлараро ва динлараро можароларни ҳал қилиш, балки уларни келтириб чиқарувчи сабабларни ҳам илдизи билан йўқотишга қодир бўлган позитив йўлдир. Шу сабабли жамият ўз ривожланишининг ҳозирги палласини ўтмиш меросига нисбатан дунёвий мезонларга суяниб “буюк саралаш” даври деб ҳисоблаш мумкин. Диссертант фикрича, айти шу даврда диний соҳага тегишли баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш лозим. Жумладан, тадиқотчининг фикрича “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуннинг 14-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди”¹, деган банди жуда мавҳум, чунки исломда “ибодат либоси” деган тушунча йўқ, мадомики шундай экан, Ўзбекистон қонунчилигида назарда тутилган ибодат либоси, қандай кийим эканлиги ҳақида фикр бораётганини асослаш учун қонунчиликка ўзгартириш киритилиши лозим. Диссертант ибодат либоси деган тушунчанинг мазмуни аниқ таърифланишини ёки ушбу тушунчани қонунчилик бандидан олиб ташлашни таклиф этган.

Диссертант, ўзбек миллий кийимининг миллий кийимлари ҳам табиий-географик муҳит ва анъанавий турмуш тарзига боғлиқлигини асослайди. Миллий кийимларимизнинг асосийларини эркакларда бўздан тикилган кўйлак ёки яктак, шунингдек, белбоғ, тўн ва салла ташкил этган. Аёлларда эса рўмол, нимча, лозим ва калтачадан иборат бўлган. Ўзбекларнинг асосий бош кийими

¹ “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 618-И-сонли Қонуннинг 14-моддаси.¹ 1998 йил 1 май.

дўппи бўлган. Ўзбек аёллари асосан рўмол ўраганлар. Муаллиф фикрича ўзбек миллий кийимлари билан ибодат либоси ўртасидаги фарқларни аҳолининг турли катламларига, энг аввало ёшларимизга аниқ тушунтиришга дин уламолари ва гуманитар фан ўқитувчилари масъулдирлар. Ибодат либоси тушунчасининг мазмуни аниқ таърифланмаганлиги аҳоли, айниқса ёшлар ва давлат ташкилотлари ўртасидаги баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Диссертациянинг «**Секуляризм – Ўзбекистонда дин ва давлат муносабатларини тартибга солишнинг асоси**» деб номланган иккинчи бобида муаллиф томонидан давлат, жамият ва дин муносабатларини ўзаро уйғунлаштиришга оид концепциялар, секуляризмнинг ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги ўрни ва роли очиқ берилган.

Тадиқотчи Ўзбекистонда дунёвийлик ҳамда динийлик мутаносиблигини таъминлашнинг асосий шартлари ва омилларини қиёсий таҳлил этган. Муаллиф давлат, жамият ва дин муносабатини белгилаб берувчи асосий тамойиллардан бирининг мазмуни дин соҳасидаги ўзгаришларни холис ва илмий ўрганиш натижасида ижобий жараёнларга кенгроқ имконият яратиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишда намоён бўлади, деб ҳисоблайди. Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи бошқа бир тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожини учун тегишли шарт-шароит яратади. “Юртимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 138 та миллий маданий марказ катта рол ўйнамоқда”¹. Бу бугун амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналишида ҳам миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш бўйича энг муҳим вазифаларда белгилаб берилган. Диссертацияда шу вазифаларнинг ижроси тадқиқ этилган.

Диссертант фикрича, глобаллашув жараёнида кўп жиҳатдан анъанавий ижтимоий институтлар, қадриятлар ва анъанавий дунёқараш билан боғлиқ бўлган динлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга омиллардан ҳисобланади. Кўп асрлар давомида давлат энг ибтидоий жамиятдаги оқсоқоллар бошқарувидан, ҳозирги замон давлат органларининг турли соҳаларини назорат қилишини таъминлайдиган институтларга эга бўлган мураккаб шаклларда бошқарилди. Масалан, Европада Черковнинг икки минг йиллик тарихининг асосий қисмини давлат билан, яъни Рим императорлари, ўрта аср қироллари ва янги давр демократик давлатларининг муносабатлари ташкил этади.

Инсоният бошқарувида черков ва давлат бошқаруви ўртасидаги асосий фарқларни билиш лозим. Шунини унутмаслик керакки, замонавий давлатлараро муносабатларнинг асосий хусусиятларидан бири динни ижтимоий ҳаётга, сиёсатга сингдиришга интилишдир. Аслида бу одамларнинг сиёсий фаолияти диний ғоялари билан тобора кўпроқ боғланишини англатади. Бундай туртки пайдо бўлишининг муқаррарлиги диний дунёқарашнинг яхлит ва холислигига

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Жилд 1.- Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-465-бет.

ҳам боғлиқдир. Диний эътиқодга эга бўлган инсон ҳаётининг асоси бўлган иймон унинг ижтимоий ва шахсий ҳаётининг барча жиҳатларини белгилайди. Натижада эътиқодли инсонлар сиёсий ҳаётда қанчалик фаол бўлса, уларнинг диний ғоялари халқаро муносабатларга шунчалик таъсир кўрсатади. Диний ғояларнинг жаҳон сиёсатига таъсирига оид ёрқин мисоллардан бири дин ниқобидаги экстремизм ва терроризмдир. Тадқиқотчи насронийлик, ислом ва яҳудийликни радикал руҳда ўқитилиши антисемитизм ва сионизмни келтириб чиқараётганлигини асослаган.

Тадқиқотчининг фикрича, демократик тараққиёт ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистондаги маънавий ҳаётни ташкил этувчи, уни бирлаштириб турувчи муҳим омил – динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги мутаносибликка асосланади.

Бугун Ислом дини жамиятда нисбатан юқори мақомда бўлган Миср, Ливия, Сурия, Ироқ ва бошқа давлатларда ҳам маълум бир кучлар дунёвий давлат ўрнига шариат қонунларига асосланган диний давлат – халифаликни танлашга даъват қилмоқда. Муаллиф бундай кучлар хавфига қарши кураш учун мусулмон фуқароларга диний-маърифий билим бериш илмий парадигма мақомини олиши лозим деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, илмий, фалсафий ёндашувгина бундай чигалли, мураккаб ходисаларнинг асосий сабабини, парадигмалар алмашинувидаги “калаванинг учи”ни топишга ёрдам беради. Шундай илмий-фалсафий парадигмалардан бири, сабаб ва оқибат диалектикасидир. ИШИД ҳам, “Ал-Қоида” ҳам, фундаментализм ҳам ўз-ўзидан келиб чиқмаган, улар муайян сабабий боғланишларнинг оқибатидир. Муаллиф фикрича, агар асосий мақсад – диний маърифат ва дунёвийлик билан демократик давлат ўртасида барқарор муносабатни яратиш бўлса, унга эришиш муайян восита ва усулларни ҳам тақозо этади. “Демократия”, “тинчлик”, “барқарорлик” муайян хатти-ҳаракат, фаолиятсиз ўз-ўзидан ижтимоий воқеликка айланмайди. Шундай экан дин ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро мутаносибликни сақлаш, уни мустаҳкамлаш, тадқиқотчининг назарида, куйидаги илмий парадигмаларга асосланади:

1. Дин ва давлат муносабатларида рационал мувозанатни сақлашда дин табиатидан эмас, балки инсон табиатидан келиб чиқиш лозим. Инсон табиати зиддиятлидир. Инсон бир вақтнинг ўзида ҳам яратувчи ва ҳам яқсон қилувчи мавжудот эканлигини унутмаслик лозим. Инсоният тарихининг деярли 90 фоизи унинг қони билан ёзилган. Демак, инсон табиатида агрессивлик, зўравонликка мойиллик бор. Шу боис дунёвийлик ва динийлик мутаносиблигини таъминлашнинг омили маърифат бўлиб, фақат у бизга тўғри йўл танлаш имконини беради.

2. Дин ва давлат муносабатларида рационал мувозанатни сақлаш, умуман, давлат ва дин ўртасидаги мувозанатни сақлаш узлуксиз ва мунтазам тарбияни тақозо этади. Зеро, инсон ва жамият муносабатларидаги зиддият (ички зиддият) Худо томонидан белгиланган қоидаларнинг бузилишига олиб келади, рационаллик ўрнига ушбу зиддият асосида ҳис-туйғуга берилиш устуворликка эришади. Диний таълимотга биноан бундай ҳодиса Одам ато билан Момо

Ҳавонинг Яратганни амрига қарши яқинлик қилиб қўйганлиги, Яратган амрига шак келтирганлигидан бошланади. Демак, инсон зотида қонун, қоида, амрга итоат этмаслик қусури азалдан мавжуд.

3. Дин ва давлат дихотомиясида инсон ички зиддияти фақат маърифий усулда ҳал қилиниши мумкин. Зеро маърифатпарвар Алихонтўра Соғуний ҳазратлари, “инсон демак шундоқ мураккаб нарсадир-ки, унинг вужуди шу уч турлик – раҳмоний, ҳайвоний, шайтоний қувватлар билан яратилишидир”¹ деб алоҳида таъкидлаганлар.

4. Дин ва давлат муносабати дин учун ҳаётӣ аҳамиятга эга бўлиб, бу муносабат узоқ тарихий анъанага эга – исломнинг илк даврида хорижийлар деган рационал исломий оқимни вужудга келишининг ўзи буни тасдиқлайди. Ислommaдаги бундай оқимнинг асосий мақсади ҳокимиятга эришишдир. Бугун Мисрда фаолият кўрсатаётган “Ат-таквир вал Ҳижра” ва “Ал-Жиход” каби диний радикал ташкилотлар хорижийлар оқими билан боғлиқ¹.

Демак, ҳукмронликка интилиш барча динларга хос. Айни пайтда ислом дини анъаналарини сақлаш ва уни ҳокимият бошқарувига аралашмаслигига эришиш учун замонавий секуляризм тамойилларидан фойдаланиш лозим. Зеро секуляризм – бу жамиятнинг диний анъаналар усулида бошқаришдан рационал нормаларга асосланadиган дунёвий бошқарув усулига ўтишини ўзида ифодалайди.

5. Дин ва давлат ўртасидаги мувозанатга фақат маърифий, демократик давлат шароитидагина эришилади. Бу демократик давлат шароитида виждон эркинлиги ҳуқуқий жиҳатдан таъминланади ва диний эътиқод таъқиқланмайди. Бироқ, диннинг сиёсийлашувига, яъни сиёсий ҳокимият даражасига эришишига ҳам йўл қўйилмайди. Бундай мувозанатни сақлаб қолиш учун дунёвий давлат ташкилотлари тизимида дин, эътиқод ишлари билан шуғулланувчи алоҳида институт бўлиши лозим. Ўзбекистон мисолида бундай институт вазифасини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита бажаради. Демократик давлат шароитида давлатнинг дин ишларидан узоқлашиши, унинг ичида бўлаётган жараёнлардан беҳабар қолиши хавфли. Чунки дин табиатида, айниқса ислом дини табиатида диний мафкуранинг расмий легитим мақомига эришиш, ўз нуфузини жамиятда ошириш анъанаси тарихан мавжуд. Диннинг сўнгги ва асосий мақсади – давлат ҳокимиятига эришиш. Агар шу нуқтаи назардан қаралганда, дин муайян даражада сиёсий ҳокимият мавқеига эга эканлиги аён бўлади. Кўпинча ушбу жиҳатга эътибор қаратилмайди, асосиз равишда дин ва давлат муносабатларида диннинг бундай муҳим жиҳати – диндорлар “де-факто” сиёсий ҳокимият таъсирида эканлиги эътиборга олинмайди.

Тадқиқотчининг фикрича, ушбу жиҳатни аниқ ва тўғри тушуниш учун дин серқирра ва сермазмун ижтимоий ҳодиса эканлигини, у бир вақтнинг ўзида ҳам эътиқод, ҳам ахлоқ, ҳам сиёсат ва ҳам ҳуқуқ бўлган қадрият эканлигини

¹ Алихонтўра Соғуний, Аҳадхон тўра Гаффоров. Биздан эмасдирлар, ватанни севмаганлар. – Тошкент, “Моварауннаҳр”, 2005. 16-бет.

¹ Ёвқочев Ш. Сиёсат ва дин. – Тошкент, Тошкент ислом университети, 2011. 46-95-бетлар.

ҳисобга олиш зарур. Бунинг ёшлар онгига сингдирилишида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Афсуски, дин ниқобидаги экстремизм ва терроризм кучайган бугунги кунда ёшларни мантиқий фикрлашга ўргатувчи фанларнинг олий ўқув юртларида қисқартириш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу ҳолат кейинчалик ёшларимизнинг мафкуравий иммунитетига салбий таъсир этиши мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистонда фуқаролараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашда дин ҳамда давлат муносабатларини ривожлантиришнинг амалий йўналишлари**» деб номланади. Муаллиф унда Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсати, унинг ёшлар онгида дунёвийлик тамойилини ривожлантиришда тутган ўрнини таҳлил этган. Бугунги кунда глобаллашувнинг миллатлараро ва динлараро муносабатларга ижобий таъсирдан унумли фойдаланиш, салбий таъсирининг олдини олиш механизмлари яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.


